



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МАХСУС БИЛИМЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Бабабеков Нодир Джурабаевич

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ихтисослаштирилган ўқув маркази катта ўқитувчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7758569>

ARTICLE INFO

Received: 09th March 2023

Accepted: 19th March 2023

Online: 21th March 2023

KEY WORDS

“Махсус билимлар” тушунчаси, махсус билимлар белгилари, мутахассис, эксперт, экспертиза, барчага маълум бўлмаган билимлар, юридик (хуқуқий) билимлар, махсус таълим, касбий тайёргарлик, касбий тажриба, кўникма ва малакалар, жиноятларни тергов қилиш, жиноят процесси, криминалистика.

ABSTRACT

Мақолада одил судловда қўлланиладиган махсус билимлар тушунчаси кўриб чиқилган, махсус билимларнинг асосий хусусиятларини ҳамда ушбу масала бўйича илмий фикр ҳамда қарашларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Ушбу масалага оид баҳсли жиҳатлар ажратилган ва мавжуд муаммоларнинг муаллифлик талқинида ёритилган. Махсус билимларнинг турли криминалист-олимлар томонидан таклиф қилинган белгиларини таҳлиллари ва умумлаштириш натижаларига асосланиб, махсус билимларнинг тўртта асосий белгилари таклиф қилинган: махсус билимлар ҳамма учун маълум ва осон ўрганиладиган бўлмайди; махсус билимларга касбий таълим ёки амалий фаолият натижасида эга бўлинади; олинган махсус билимларни қўллашнинг яқиний мақсади – жиноятларни ишини очиш, тергов қилиш ва кўриб чиқиш; шунингдек, махсус билимларнинг мазмуни очиб берилган: фан, техника, санъат, касб-хунар ва хуқуқ соҳасидаги (жиноят ва жиноят-процессуал хуқуқи соҳасидаги билимлар бундан мустасно) аниқ маълумотлар. Махсус билимларнинг ушбу ажратиб кўрсатилган ва кўриб чиқилган асосий белгилари “махсус билимлар” тушунчаси мазмунининг асоси сифатида олинган. Муаллиф қонунчилик нормаларини, хусусан, “махсус билимлар” тушунчасига оид нормаларни тўғри тушунишга эътибор қаратган ва ушбу тушунчани жинойи процессуал фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида мустаҳкам бўйича муаллифлик шакли таклиф этган.

Махсус билимлар институти жиноят процесси ва криминалистика фанининг муҳим ажралмас қисмидир ҳамда бу жараёнда қўлланиладиган махсус билимлар бу



соҳанинг асосий мазмунини ташкил этади. Шу сабабли, ушбу махсус билимларнинг асосий белгиларининг мазмунини ажратиб олишга ва кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, криминалист олимлар ва амалиётчи суд экспертлари ўртасида махсус билимларинг белгилари бўйича фикрлар бир хил эмас. Бироқ, шунга қарамай, кўплаб криминалист-олимларнинг таъкидлашича, махсус билимларнинг биринчи муҳим белгиларидан бири – бу ушбу махсус билимларнинг умум омма учун маълум эмаслигидадир. Агар масалага тарихий нуқтаи назардан ёндашилса, фикримизча, “махсус билимлар” тушунчасига биринчи бўлиб А.А.Эйсман томонидан етарлича аниқ таъриф берилган, жумладан: “махсус билимлар — бу ҳамма учун маълум бўлмаган ва кенг тарқалмаган билимлардир, қисқа қилиб айтганда, бу чекланган доирадаги мутахассислар эга бўлган билимдир” [1, С.91]. Ушбу таърифда махсус билимларнинг ўзига хос белгиси – уларнинг ҳамма учун маълум эмаслиги – ажратиб кўрсатилган. Одил судловда махсус билимлардан фойдаланиш муаммоси билан шуғулланган олимларнинг кўпчилиги ушбу асосий белгини ажратиб кўрсатадилар. Яна кўпчилик олимлар, махсус билимлар ва кундалик билимларни ўзаро фарқлаш жуда қийинлигини таъкидлашади, “чунки улар орасидаги чегара жуда нозик ва ҳаракатчандир. Кечагина кўпчилик учун номаълум бўлган махсус билимлар бугун ҳаммага маълум бўлиб қолади” [2, 3, 4, 5].

Е.Р.Россинскаянинг қуйидаги фикрлари ҳам тўғрига ўхшайди: “кўпчилик учун номаълум бўлган махсус билимлар ва барча учун маълум бўлган кундалик билимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқаси табиатан ўзгарувчан бўлиб, жамиятнинг ривожланиш даражасига ва илмий билимларнинг инсоннинг кундалик ҳаётига уйғунлашуви (интеграцияси) даражасига боғлиқ. ... Билимларни барча учун маълум ва кундалик деб ҳисоблаш – субъектнинг таълим ва интеллектуал даражасига, унинг ҳаётий ва касбий тажрибаларига боғлиқ бўлади [6, С.33-34]. М.А.Поздняковнинг таъкидлашича, “терговда билимларни ҳамма учун маълум деб таснифлашда ҳал қилувчи сўз – муайян иш бўйича терговчига, кейинги босқичлар – суд муҳокамаси ёки суд терговчи жараёнларида эса эса судга тегишли” [7, С.156]. Олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, агар исботлаш субъекти ўзининг процессуал вазифаларини ҳал қилиш учун, барча учун маълум бўлган кундалик билимларга етарли даражада эга эмаслигига ишонса, у бошқаларнинг билимларидан фойдаланиши мумкин ҳамда ушбу билимлар бу ҳолда махсус билимлар деб баҳоланиши керак.

Н.А.Классеннинг фикрлари ҳам диққатга сазовор, унинг фикрича, “барча учун маълум бўлган кундалик билимлар ва махсус билимларни ўзаро фарқлаш (ажратиш) мезонларидан бири – бу махсус билимга эга шахсни нафақат махсус билимлар тўпламини ўрганиш натижасидаги махсус тайёргарлиги эмас, балки махсус билимларнинг маълум бир соҳасида амалий тажриба орттириши ҳамдир [8]. Шу сабабли, барча учун маълум бўлган, кундалик ёки оммавий билимлар билан махсус билимларни ўзаро фарқлашнинг асосий мезони – бу ушбу билимларни ҳам амалий ва ҳам касбий тажриба натижасида билиши (ўзлаштириши)дир.

Махсус билимларнинг олимлар томонидан ажратиб кўрсатилган иккинчи белгиси – бу маълум бир меҳнат фаолиятига касбий тайёргарлик кўришда ва амалий фаолият жараёнида олинган билимлар ва тажрибалардир.



Н.П.Яблоковнинг таъкидлашича, махсус билимлар “махсус (касб-хунар таълими) ва тажриба орқали” ҳосил қилинади (олинади) [9, С.227], яъни, олим махсус билимларни шаклланиш жараёнини касб-хунар таълими ва амалий тажриба ўртасидаги ўзаро боғлиқлик деб билади. Р.С.Белкин эса: “субъект томонидан, тегишли соҳадаги назарий билимлар тизимига асосланган махсус тайёргарлик ёки касбий тажриба орқали амалий фаолият жараёнида олинган билимлар – махсус билимлар ҳисобланади” [10, С.399] деб ёзади. Шунга ўхшаш фикрлар Т.В.Аверянова томонидан ҳам билдирилган, олим юқоридаги таърифни биров кенгайтириб: “фан, техника, санъат, хунармандчилик соҳаси бўйича ўқиш ва амалий фаолият жараёнида субъект томонидан олинган, тегишли билим соҳаларидаги илмий ишланмаларни билишга асосланган, тергов ва судда муайян ишларни кўриб чиқиш пайтида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиладиган билимлар махсус билимлар ҳисобланади” [11, С.31] деб ёзади. М.А.Поздняковнинг ёзишича, “махсус таълим жараёнида олинган илмий ва касбий билимлар “махсус билимлар” тушунчаси мазмунининг умумий белгиларига тегишли бўлади” [7]. И.Р.Астанов эса “амалдаги ЖПК 69-моддасининг биринчи қисмидаги изоҳни етарли эмас деб ҳисоблаб, мутахассис – бу тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билим ва малака талаб қилинган ҳолларда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш, текширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга ёрдам бериш учун чақирилувчи шахс”, [12, Б.15] деган хулосага келган. Б.Мўминов эса “Амалдаги ЖПКга асосан тафтишчининг процессуал мавқеи белгиланмаганлиги сабабли у тергов жараёнида амалда мутахассис сифатида қатнашади. Бироқ ЖПКнинг 69-моддасида мутахассис тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун чақирилиши, яъни фақат тергов ва суд жараёнида қатнашиши кўзда тутилган. Бинобарин, ЖПКда мутахассиснинг мустақил процессуал мавқеи ва унинг хулоса бериш ҳуқуқи, шунингдек, мутахассисни сўроқ қилиш тартиби белгиланмаган” [13, Б.81] деб ёзади. М.А.Поздняковнинг таъкидлашича, “айрим криминалистлар махсус билимлар таркибидан амалий тажриба, кўникма ва малакаларни, яъни ваколатли шахсларнинг тергов ҳаракати давомида далилларни аниқлаш, қайд этиш ва тадқиқ қилиш учун илмий-техник воситалар ва усуллардан фойдаланиш қобилиятини ажратиб кўрсатишади” [7]. А.В.Шмонин [14, С.13] ҳам, махсус билимларни қўллаш маълум даражадаги касбий таълим ёки тайёргарлик, шунингдек касбий тажриба, кўникма ва малакалар билан боғлиқлигини таъкидлайди. Шунга ўхшаш фикр И.Н.Сорокотягин ва Д.А.Сорокотягиналар томонидан ҳам билдирилган, улар “махсус билимлар нафақат махсус тайёргарлик натижасида олинган замонавий билимлар тўпламигина эмас, балки касбий тажриба, кўникма ва малакалар ҳам” [15, С.6] деб ҳисоблашади.

Бизнинг фикримизча, махсус билимларнинг белгиси сифатида – бундай билимларни касбий таълим ва тайёргарлик натижасида ёки амалий фаолият жараёнида олишни – ажратиш жуда муҳимдир. Чунки, ҳар қандай билимнинг ўзи бу каби билимларни ташувчида намоён бўлмайди, уни нафақат ўрганиш (эгаллаш), балки доимий равишда ривожлантириш, тўлдириш ва такомиллаштириш керак. Шу билан



бирга, терговчи (суриштирувчи) тергов жараёнларига махсус билимга эга бўлган шахсни жалб қилиш масаласини ҳал қилишда, унинг ваколатли эканлигига ишонч ҳосил қилиши шартлигини таъкидлаш лозим. Мутахассиснинг малакаси (ваколатлилиги)дан қуйидагилар далолат бериши мумкин: мутахассислик бўйича касбий таълим маълумотга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар, иш жойидаги амалий иш стажини ва бошқа ушбу ҳолатларни ифодаловчи ҳужжатлар.

Л.В.Лазареванинг фикрича, “амалий фаолият жараёнида олинган тажрибалар махсус билимлар мезонларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Аммо, ўзининг касбий маҳорат даражасини келгусида яна ҳам такомиллаштириш мақсадидаги, амалий фаолият жараёнида олинган ишланмаларни тизимлаштиришга имкон берадиган тегишли илмий билимларсиз субъект, ушбу атаманинг тўлиқ маъносида махсус билимларга эга бўлган мутахассислар тоифасига киритилиши мумкин эмас” [17, С.29]. Таълим жараёнида олинган илмий асослар ҳақидаги билимлар каби, амалий фаолият тажрибасисиз олинган билимларни махсус билим деб ҳисоблаш мумкин эмас. Фақат назарий ва амалий асосларнинг йиғиндиси (уйғунлиги) махсус билимларни шакллантиради. Биз Л.В.Лазареванинг фикрларини маъқуллаган ҳолда, махсус билимларга эга бўлган идеал шахс махсус маълумотга эга ва таълим жараёнида олинган назарий билимларни тўлиқ ўзлаштирган бўлиши, шунингдек, олинган назарий билимларни қўллаш бўйича амалий тажрибага эга бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, жиноят ишини тергов қилишга махсус билимга эга бўлган шахсни жалб қилишда, унинг тегишли малакаларга эгаллиги масаласини, ушбу махсус билимга эга бўлган шахснинг махсус касбий таълими ёки амалий фаолиятга оид тажрибаларига асосланиб ҳал қилиш мумкин.

Жиноят ишларини очиш, тергов қилиш ва кўриб чиқишда қўлланиладиган махсус билимларнинг учинчи белгиси сифатида кўплаб олимлар бу махсус билимларни қўллаш соҳаси ва улардан фойдаланиш мақсади деб ҳисоблайдилар. Масалан, В.И.Шиканов фақат жиноят процесси учун зарур бўлган билимлар ҳақида фикр юритиб, қуйидаги таърифни таклиф қилади: “жиноят иши бўйича исботлаш предметига тегишли бўлган ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун зарур бўлган билим ва амалий тажрибалар, одил судловда махсус билимлар деб номланади” [19, С.11]. Биз Л.В.Лазареванинг “жиноий процессда махсус билимлар деганда томонлар (айбловчи ва ҳимоя), шунингдек суд томонидан маълум бир жиноят иши бўйича исботланиши керак бўлган ҳолатларни аниқлаш учун фойдаланиладиган билимларни тушуниш керак” [18] деган таклифига қўшилаемиз.

И.Н.Сорокотягиннинг фикрича эса, “махсус билимлар жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун зарур бўлган далиллар, тезкор-қидирув ва бошқа маълумотларни олиш учун қўлланилади” [16, С.5]. М.А.Поздняков ҳам, жиноят иши бўйича далилларни олиш учун махсус билимлардан фойдаланишнинг юқори аҳамиятини таъкидлайди, яъни: “махсус билимларни талаб этиладиган ҳолатларда малакали мутахассиснинг иштироки тегишли далилларни самарали олинишини кафолатлайди. Бу жиҳатдан мутахассис, ўз ҳаракатлари билан далиллар сонини кўпайтириши, уларнинг доирасини кенгайтириши, далиллар сирасига терговчи томонидан махсус билимларга эга



эмаслигини сабабли эътибордан четда қолиб кетиши мумкин бўлганларини киритишга ёрдам бериши мумкин” [7, С.158].

Шундай қилиб, махсус билимларнинг муҳим белгиси сифатида уларнинг жиноят процессининг мақсадларига эришиш учун қўлланилишини, яъни, жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун зарур бўлган далилларни аниқлаш, қайд этиш, тадқиқ қилиш ва баҳолашдан иборатлигини таъкидлайдиган олимларнинг фикрларини маъқуллаш мумкин.

Махсус билимларнинг тўртинчи белгиси – уларни билимларнинг муайян соҳаларига – фан, техника, санъат ёки хунармандчиликка оидлиги билан боғлиқ. Жуда кўплаб олимлар, жумладан: Р.С.Белкин, Е.Р.Россинская ва бошқалар [20,21] ушбу таърифни махсус билимларни турлар – фан, техника, санъат ва хунармандчилик соҳасидаги билимларга – бўлиш билан маъқуллайдилар. Бироқ, ушбу масалага бўйича ягона фикрлар мавжуд бўлишига қарамай, баъзи олимлар маълум билим соҳаларини махсус соҳалар қаторига киритиш тўғрисида баҳслашадилар. Масалан, И.Р.Астанов эса “Махсус билим – бу жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси мақсадлари учун қўлланиладиган ва жиноятга алоқадор фактик маълумотлар, далилларни замонавий тадқиқот усуллари орқали топиш, тўплаш, баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган фан, техника, касб-хунар соҳасидаги тор йўналишдаги профессионал билимдир” [12, Б.14] деб таъриф беради ва ушбу билим турларига санъат соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни қўшмайди. М.А.Поздняков эса хунармандчилик соҳасидаги кўникма ва малакаларни махсус билимлар қаторига киритмайди, олим бу билимларнинг йиғиндисини исботлаш учун қўлланиладиган замонавий фан, техника ёки санъатнинг маълум бир соҳасига оид билимларга киритади

[7, С.158]. Е.В.Селина, аксинча, юқорида қайд этилган махсус билим соҳалари “жиноят процессида қўлланиладиган билим соҳаларининг барча турларини қамраб олмайди” [22, С.26] деб ҳисоблайди ва жиной процессуал муносабатларда махсус билим соҳаларини таснифлаш тизимини таклиф қилган. В.Н.Махов “фан, техника, санъат ёки хунармандчиликдаги махсус билимлар” иборасига эътироз билдиради ва ўз эътирозини назарий фан бўйича билимларни амалий (техник) билимларига қарама-қарши қўйилганлиги билан асослайди ҳамда махсус билимлар таърифини қуйидагича шакллантиришни таклиф қилади: “терговчи ва судьялар учун касбий билимлардан ташқари, барча, турли хил касбий фаолият турларига хос бўлган билимлар” [23, С.46].

Бизнинг фикримизча, Л.В.Лазареванинг фикрлари тўғрига ўхшайди, олима “махсус билимларнинг турларга бўлиниши тўғрилигини таъкидлайди, чунки бундай бўлиниш маълумот олишнинг — фан, техника, санъат, хунармандчилик каби асосий манбаларини аниқлашга имкон беради” [18, С.79] деб ёзади.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида махсус билим соҳаларини аниқлаштириб қўйиш жиноят ишларини тергов қилиш ва очишда, жиной процессда иштирок этиши мумкин бўлган махсус билимларга эга бўлган шахслар доирасини аниқлашни таъминлайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига “Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус



билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин” [24] деб белгиланган.

Шу билан бирга, махсус билимларнинг юқорида таъкидланган тўртинчи белгисини кўриб чиқиш учун яна бир муҳим масалани ўрганиш лозим. Хусусан, юридик адабиётларда юридик билимларни ёки ҳуқуқ соҳасидаги билимларни махсус билимлар тоифасига киритиш ва уларни дастлабки тергов ва суд органлари ваколатига кирадиган ҳуқуқий билимлардан ажратиш муаммоси ҳозирда баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бир қатор олимлар ҳуқуқий экспертизаларни ўтказиш мумкинлигини таъкидлайдилар ва бу ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилигида уларни ўтказиш тақиқланмаганлиги ёки уларга бўлган эҳтиёж қонунчиликнинг мураккаблашиши билан изоҳлайдилар. Масалан, Е.Р.Россинская: “жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун ҳуқуқий (юридик) экспертизаларни ўтказишни қонунийлаштириш зарурати юзага келди, ... терговчи, суд эга бўлмаган махсус ҳуқуқий билимлардан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар ўтказиш зарур” [6, С.37].

Махсус билимлар таркибига ҳуқуқий билимларни киритишни зарур деб ҳисобламайдиган бир қатор олимлар эса бу фикрга қарама-қарши ёндашувни маъқуллайдилар ва ҳуқуқий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишни инкор қиладилар. Масалан, П.С.Яни “ҳуқуқий таълим олиш нафақат жинойий ҳуқуқ ёки жиноят процессига оид масалаларни, балки у ёки бу тарзда ҳуқуқий нормаларни қўллаш билан боғлиқ барча муаммоларни тушуниш қобилиятини англатади” [25, С.22-23] деб ёзади. М.А.Поздняковнинг фикрича эса, “ҳуқуқ соҳасида экспертиза жиноят процессида эмас, балки Конституциявий судлар амалиётидагина ўтказилиши мумкин. Ҳуқуқ нормаларини мустақил равишда тўғри талқин қилиш ва қўллаш терговчи, прокурор ва судьялар фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади” [7, С.159].

Яна бошқа, учинчи ёндашув тарафдорлари эса дастлабки тергов ва суд органларининг касбий ваколатига кирадиган жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги билимларни истисно қилган ҳолда, ҳуқуқий билимларни махсус тоифага киритадилар. Жумладан, М.А.Поздняков терговчи ва судьянинг ҳуқуқий билимлари ва касбий билимлари жиноят-процессуал қонуни нуқтаи назаридан махсус билим ҳисобланмаслигини [7, С.159] таъкидлайди.

Шундай қилиб, фикримизча, жиноят иши ҳолатларини квалификация қилиш ва процессуал тусдаги масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, дастлабки тергов органлари ва суднинг касбий билимлари билан боғлиқ ҳуқуқ соҳасидаги билимлар махсус билим ҳисобланмайди. Бошқа барча турдаги ҳуқуқий билимлар эса махсус билимлар ҳисобланиши мумкин.

Махсус билимларнинг криминалист-олимлар томонидан берилган таърифларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижасида, махсус билимларнинг қуйидаги асосий белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- махсус билимлар ҳаммага маълум бўлган билимлар ҳисобланмайди;
- махсус билимлар касбий таълим ёки амалий фаолият натижасида олинади (эгалланади);



– олинган (эгалланган) махсус билимлардан фойдаланишнинг якуний мақсади жинойт ишини очиш ва тергов қилишдир;

– махсус билимларнинг мазмуни: фан, техника, санъат, хунармандчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги аниқ маълумотлардир (жинойт ва жинойт-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги билимлар бундан мустасно).

Ушбу фикрларни умумлаштириб, махсус билимларнинг таъкидланган ва кўриб чиқилган асосий белгилари “махсус билимлар” тушунчаси мазмунининг асоси ҳисобланади деб таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексида махсус билимларнинг таърифини бериш масаласи муҳим аҳамиятга эга, чунки амалдаги жинойт-процессуал қонунчилигида “махсус билимлар” тушунчаси қонуний мустақамлаб қўйилмаган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жинойт-процессуал кодекси 67-моддасига (Эксперт) қуйидаги мазмундаги 3-бандни киритиш таклиф қилинади:

“Махсус билимлар – бу фан, техника, санъат, хунармандчилик ёки ҳуқуқ соҳасидаги, ҳамма учун ҳам маълум бўлмаган (жинойт ва жинойт-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги билимлар бундан мустасно), бундай билим субъектлари томонидан касбий таълим ёки амалий фаолияти натижасида олинган билимлар бўлиб, жинойт процессининг томонлари ва суд томонидан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда жинойт ишини очиш ва тергов қилиш учун фойдаланилади”.

Бизнинг фикримизча, амалдаги қонунчилик нормаларини, хусусан, “махсус билимлар” тушунчасини тўғри тушуниш жинойт процессида иштирок этиши мумкин бўлган мутахассислар ва экспертлар доирасини аниқлашни осонлаштиради; жинойт процесси иштирокчиларига жинойт процессуал фаолият доирасида махсус билимларни турли шаклларда тўлиқ қўллаш имкониятини беради.

References:

1. Эйсман А.А. Заключение эксперта. Структура и научное обоснование. – М.: Юрид. лит., 1967. – 152 с.
2. Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в гражданском, арбитражном, административном и уголовном процессе. – М., 2005. – 688 с.
3. Селина Е.В. Применение специальных познаний в уголовном процессе. – М., 2002. – 144 с.
4. Треушников М.К. Судебные доказательства. Монография. – М., 1997. – 320 с.
5. Сахнова Т.В. Судебная экспертиза. – М., 1999. – 368 с.
6. Россинская Е.Р. Специальные познания и современные проблемы их использования в судопроизводстве // Журнал рос. права. 2001. №5. / URL: <http://uristy.ucoz.ru/publ/11-1-0-409>.
7. Поздняков М.А. Понятие и признаки специальных знаний в уголовном судопроизводстве // Актуальные проблемы российского права. 2015. № 9 (58) сентябрь. – С.155-161.
8. Классен Н.А. Использование специальных знаний при осуществлении защиты по уголовным делам: дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2009. – 154 с.
9. Криминалистика: учебник / под ред. Яблокова Н.П. – М., 2001. – 718 с.



10. Криминалистика: учебник для вузов / под ред. Белкина Р.С. 2-е изд. перераб. и доп. – М., 2003. – 716 с.
11. Аверьянова Т.В. Субъекты экспертной деятельности // Вестник криминалистики. 2001. № 2. – С.29-37.
12. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари: / 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси мутахассислиги бўйича юрид. фан. д-ри (DSc) дис. автореф. – Т., 2018. – 75 б.
13. Muminov V. Mutaxassis xulosasining daliliy ahamiyati // O'zbekiston qonunchiligi tahlili. – 2017. – № 1. – В.81-83.
14. Шмонин А.В. Понятие и содержание специальных познаний в уголовном процессе // Российский судья. 2002. № 11. – С.11-13.
15. Сорокотягина Д.А., Сорокотягин И.Н. Судебная экспертиза (экспертология): учеб. пособие. – Екатеринбург, 2000. – 288 с.
16. Сорокотягин И.Н. Специальные познания в расследовании преступлений. – Ростов н/Д., 1984. – 120 с.
17. Лазарева Л.В. Специальные знания и их применение в доказывании по уголовному делу. – М., 2009. – 224 с.
18. Лазарева Л.В. Концептуальные основы использования специальных знаний в российском уголовном судопроизводстве: дис. ... д-ра юрид. наук. – Владимир, 2011. – 470 с.
19. Шиканов В.И. Проблемы использования специальных знаний и научно-технических новшеств в уголовном судопроизводстве: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 1980. – 24 с.
20. Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. – М., 2000. – 334 с.
21. Россинская Е.Р. Комментарий к Федеральному закону
22. «О государственной судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации». – М., 2002. – 383 с.
23. Селина Е.В. Применение специальных познаний в российском уголовном процессе: дис. ... д-ра юрид. наук. – Краснодар, 2003. – 472 с.
24. Махов В.Н. Использование знаний сведущих лиц при расследовании преступлений. – М., 2000. – 296 с.
25. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2019. / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон, 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон, 07.12.2021 й., 03/21/735/1141-сон; 16.02.2022 й., 03/22/754/0134-сон; 14.03.2022 й., 03/22/759/0213-сон, 12.04.2022 й., 03/22/762/0290-сон, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон. // <https://lex.uz/docs/111460>.
26. Яни П.С. «Правовая» экспертиза в уголовном деле // Законность. 2001. № 9. – С.21-24.